

ТЕХНАЛОГИЯ ТАЪЛИМИДАН АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР ТАШКИЛ ЕТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС МЕТОДЛАРИ

Рўзиева Шахзодахон, Мирзақулова Мухлиса

ГулДу талабалари

Аннотация:

Маколада интерфаол таълим технологияларининг мохияти, уларни технология дарс жараёнларида куллаш оркали ўқувчиларнинг мустакил ишлаш куникмаларини шакллантириш масалалари ёритилган. Дарс жараёнларида интерфаол таълим технологияларини амалга ошириш шакллари курсатиб берилган.

Калит сўзлар: Интерфаол таълим технологиялари, таълим жараёни, ижодий фаолият, "Аклий хужум" методи, "Ролли ўйинлар", "Дебатлар" методи, "Тест сурови" усули, методларнинг кулланилиши, афзалликлари.

Хозирги вақтда педагогик технология таълим беришнинг техник воситалари ёки компьютердан фойдаланиш соҳасидаги тадқиқотлардек қаралмай, балки бу таълимий самарадорликни оширувчи омилларни таҳлил қилиш йули оркали, йул ва материалларни тўзиш ҳамда куллаш, шунингдек кулланилаётган усулларни баҳолаш оркали таълим жараёни тамойилларини аниқлаш ва энг макбул йулларини ишлаб чиқиш мақсадидаги тадқиқотдир" Хозирги даврда содир булаётган инновацион жараёнларда таълим тизими олдидаги муаммоларни ҳал этиш учун янги ахборотни ўзлаштирган, бу ахборотларни ўзлари томонидан баҳолашга қодир, зарур қарорлар қабул қилувчи, мустакил ва эркин фикрлайдиган шахслар керак. Бу борада касб-хунар таълимида инновацион технологият уларнинг бошқариш жараёнидаги урни ва аҳамияти бекиёсдир. У мумий урта таълимга оид ишларни бошқариш қўйидан юқоригача олдиндан режалаштирилиб, таълимнинг барча соҳаларидаги иш жараёни билан уйғунлашиб, барча ўқув-тарбия муассасаларининг иш мазмуни белгиланади. Бошқариш жараёнида турли инновацион усуллардан кенг фойдаланилади. Ўқув-тарбия жараёнида инновацион технологияларнинг тугри жорий этилиши ўқитувчининг бу жараёнда асосий ташкилотчи ёки маслаҳатчи сифатида фаолият юритишига олиб келади. Бу эса талабалардан қупрок мустакилликни, ижодий ва иродавий сифатларини шаклланишини, утқазилган машғулотлар эса ёшларнинг муҳим ҳаётий ютўқ ва муаммоларига ўз муносабатларини билдиришга имкон яратиб, уларнинг мустакил фикрлашларини талаб этади. Инновацион технологиялар педагогик жараён, ҳамда ўқитувчи ва талаба уртасидаги ижодий фаолиятига янгилик, ўзгартишлар киритиш булиб, уни амалга оширишда асосан

интерфаол усуллардан фойдаланилади, чунки таълимда бошқарув ролини ўқитувчи бажаради.

Хозирги замон дарсига кўйиладиган энг мухим талаблардан бири хар бир дарсда танланадиган мавзунинг илмий асосланган булишидир, яъни дарсдан кўзланган мақсад ҳамда ўқувчилар имкониятини хисобга олган холда мавзу хажмини белгилаш, унинг мураккаблигини аниклаш, утиладиган мавзу билан боғлаш ўқувчиларга бериладиган топширик ва мустакил ишларни кетма-кетлигини аниклаш, дарсда керак буладиган жихозларни белгилаш ва кургазмали куроллар билан бойитиш, кушимча ахборот технологияларидан фойдаланган холда дарсда муаммоли вазиятни яратишдир.

Дарсга кўйиладиган асосий талаблардан бири -таълим методлари ва усулларини бир-бири билан мустахам боғлаб олиб бориш самарадорлигини оширишдир. Дарсга кўйиладиган асосий талаблардан яна бири-барча дидактик вазифалар дарсинг ўзида хал этилиши, уйга бериладиган вазифалар ўқувчиларнинг дарсда оладиган билимларининг манткиий давоми булиши керак. Дарс давомида ўқитувчи ўқувчиларнинг жисмоний холатини, ижодкорлигини, тез фикрлашларини хисобга олиши керак. Утилган хар бир дарсинг ўқувчилар билан бирга тахлил килиб борилиши ҳам яхши натижа беради. Энг асосийси ўқувчи дарс утиши инновацион усуллардан фойдаланса мақсадга мувофик булади .

Технология дарсларида турли бошқотирмалардан фойдаланиш.

Ўқитувчи томонидан доскага бошқотирма жадвали чизилади ва каторлар ракамланади. Катордаги сўзларни топиш учун саволлар тўзилади. Жавоблар жадвалнинг бўйига ва энига кура ёзилиши айтилади. Саволлар билан ўқувчиларга мурожаат килинади. Ўқувчи жавобларни доскага ёзади.

Дарс давомида ўқувчиларга турли куринишдаги бошқотирмалар тайёрлашни вазифа килиб бериш мумкин. Бу дарсни ҳам мусобака шаклида ташкил килиш мумкин.

Тест сурови усулидан фойдаланиш. Ўқитувчи ўқувчиларга икки хил вариантда тест материалларини таркатади. Бир хил вариантдаги ўқувчиларни жойлашуви ва муносабатлари дарс давомида эътиборга олинади. Тестларни учешда ўқувчиларни назорат килишни иккита аълочи ўқувчига топширилади. Ўз-ўзини назорат килиш оркали тест саволлари учешлади. Яқунланган тестларни текшириш учун йигиштириб олиниб, алмаштириб таркатади. Жавоблар икки ўқувчи томонидан ўқиб берилади. Ўқувчилар эса текширишни амалга оширади. Дарсинг ўз-ўзини бошқариш ва натижаларини бахолаш кисмига 10-15 минут вақт сарфланади. Колган вақтларда дарсинг бошка боскичлари амалга оширилади. Бунда ўқувчиларни 100% бахолашга эришилади.

Юкоридагилардан хулоса килиб шуни айтиш мумкинки, инновацион усулларни куллаб дарс утилганда синфда, ўзлаштирмайдиган ўқувчи колмайди. Деярли барча ўқувчилар дарс жараёнига жалб этилиб, уларнинг дарсга кизиқишлари ортади. Ўқувчиларнинг келгусида мустакил билим олишларига, хунар урганишларига имкон яратилади.

Шунга кура интерфаол ўқитиш "таълим жараёнининг асосий иштирокчилари ўқитувчи, ўқувчи ва ўқувчилар гуруҳи уртасида юзага келадиган ҳамкорлик, кизгин баҳс-мунозалар, ўзаро фикр алмашиш имкониятига эгалик асосида ташкил этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий карашларини иккиланмай баён этиш, муаммоли вазиятларда уечимларни биргаликда излаш, ўқув материалларини ўзлаштиришда ўқувчиларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, "ўқитувчи - ўқувчи - ўқувчилар гуруҳи"нинг ўзаро бир-бирларини хурмат қилишлари, тушунишлари ва қуллаб-қувватлашлари, самимий муносабатда булишлари, рухий бирликка эришишлари қабилар билан тавсифланади.

Ўқитувчи таълим жараёнида интерфаол таълим ёрдамида ўқувчиларнинг қобилиятларини ривожлантириш, мустақиллик, ўз-ўзини назорат, ўз-ўзини бошқариш, самарали суҳбат олиб бориш, тенгдошлари билан ишлаш, уларнинг фикрларини тинглаш ва тушуниш, мустақил ҳамда танқидий фикрлаш, мўқобил таклифларни илгари суриш, фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилиш, ўз нўқтаи назарларини химоя қилиш, муаммонинг уечимини топишга интилиш, мураккаб вазиятлардан чиқа олиш қаби сифатларни шакллантиришга муваффақ булади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Толипов У. Д., Усмонбоева М. (2003). Педагогик технология асослари. "Мақтаб ва хаёт" журналіга илова. - Тошкент: ЎзПФТИ, - 32 б.
2. Ступина С.Б. (2009). Технологии интерактивного обучения в высшей школе. Учебно-метод. пособие. - Саратов: Издательский центр "Наўқа", - 52 с.
3. Расулова З.Д. (2020). Программніе инструменты - важный фактор развития творчества учащихя. Вестник науќи и образования. 99:21, часть 2, С. 37-40.
4. Rasulova Z.D. (2020). Pedagogical peculiarities of developing socio-perceptive competence in learners. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. 8:1, pp. 30-34.
5. Қуліуева Ш.Х., Расулова З.Д. (2016). Формированіе профессионально-педагогической компетентности будущих специалистов на основе информационных технологий. Молодой учёный, №8 (112), С. 977-978.
6. Анорқулова Г.М., Қуліуева Ш.Х., Расулова З.Д. (2015). Модель подготовки учителей профессионального образования на основе системного подхода. Молодой учёный, 93:13, С. 590-592.
7. Қуліуева Ш.Х., Хамроуева Х.Ю., Расулова З.Д. (2013). Учебный процесс как педагогическая система в процессе подготовки учителей профессионального обучения. Молодой учёный, 56:9, С. 383-385.
8. Қаххоров С.К., Расулова З.Д. (2020). Роль дистансионного обучения а развитии творческих навыков студентов. Проблемы педагогики. 49:4, С. 26-